# И. А. КАРИМОВ нутқи

(Давоми. Боши 2-бетда).

Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш жараёнларини тадқиқ этиш ақидалар ва эски андазалардан ҳоли этилиши керак, биз янги ғояларни, қарашлар ва ёндашувларни кутмоқдамиз. Бизга тарих тўғрисида, миллатлараро соҳадаги муносабатларни ривожлантиришнинг реал жараёнлари ҳақида, ҳозирги вақтда кўзга ташланаётган қарама-қарши манфаатларнинг тўқнашуви вужудга келишига нималар сабаб бўлганлиги тўғрисида аччиқ бўлса ҳам холис ва тўла ҳақиқат керак.

Жамиятшунослар Ўзбекистон тарихининг кўпгина саҳифаларини қайта битишлари, чунончи, чоризм йилларида Ўрта Осиё халқларининг миллий озодлик ҳаракати, 20 ва 30-йиллардаги адабий-ғоявий жараёнлар, коллективлаштириш ва бошқа ҳодисаларга ҳужжатлар асосида назар солишлари керак. Беҳбудий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат ва бошқаларнинг ижоди ва дунёқарашини ҳам теран ва холис тадқиқ этиш зарур бўлади. Ўзбекистон Компартиясининг тарихи ҳам ўз тадқиқотчиларига мунтазир бўлиб турибди.

Баҳслар ва шубҳалардан чўчимаслик керак, ўртоқлар. Ҳақиқатни коллектив бўлиб рўёбга чиқариш, бунинг учун илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, «давра суҳбатлари» ўтказиш керак. Марказий Комитет бу тадбирларни уюштиришда фаол ёрдам беради.

Республика Олий Советининг сессиясида «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисидаги қонун»нинг қабул қилиниши республика ҳаётида муҳим тарихий воқеадир. Сира муболағасиз шуни айтиш мумкинки, тилшунос олимлар, адабиётшунослар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчиларнинг фаол ва амалий иштирокисиз мазкур қонуннинг асосий қоидаларини амалга ошириш жуда мушкул бўлур эди. Шу муносабат билан сиздан қандай ёрдам кутмоқдамиз?

Аввало ўзбек тилининг софлиги ва сўз бойлиги масаласи бор. Бу ўринда гап ўзбек тилининг бундан буёнги тараққиётига оид илмий ечимлар ҳақида бормоқда. Бундан ташқари, айниқса техника билан боғлиқ ихтисослар бўйича атама луғатлари ва замонавий дарсликлар, ўқув қўлланмаларининг йўқлиги халқ хўжалиги учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга муайян даражада ҳалал бермоқда.

Биз ўзбек тилини ўқитишнинг энг янги, самарали методикасини тайёрлаш, давлат тилини жадал ўрганишнинг курсларини ишлаб чиқишда тилшунос олимларнинг мададига махтал бўлиб турибмиз. Халқнинг кўп асрлик маданиятини ўрганиш учун дастур бўладиган эски ўзбек ёзувини ўрганиш муаммоси ҳам кун тартибида турибди.

Шу билан бир қаторда бу жараён рус тили ва республикамизда яшаётган бошқа халқларнинг тилларини ҳар томонлама ривожлантириш билан узвий қўшиб олиб борилиши керак. Рус тили объектив сабабларга кўра халқларни бирлаштирувчи тил, ишлаб чиқариш интеграцияси авж олиб кетган шароитда шу халқларнинг биргаликдаги фаолиятини таъминловчи тил, жаҳон маданияти фанидан миллатлар баҳра олиши учун воситачи тил бўлиб қолганлигини бугунги мажлис аҳлига батафсил айтишга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Бу очиқ-ойдин ва рўй-рост ҳақиқатдир. Тегишли институтлар бу борада ўз вазифаларини аниқ-равшан белгилаб олишлари лозим.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, замонавий фан тараққиётининг асосий йўналиши жаҳон миқёсига чиққан тилларни, айниқса илғор техникавий тафаккур ифодаланаётган тилларни билишни тақозо этади. Биз инглиз, француз, немис, испан тилларини ва бошқа тилларни ўрганишни бутун чоралар билан рағбатлантиришимиз лозим.

Ошкоралик, фикрларнинг хилма-хиллиги ва демократия чуқурлашиб бораётган шароитда омманинг сиёсий фаоллиги ўсди, ташаббускор ҳаракатлар ривожланмоқда, кўплаб «норасмий» ҳаракатлар вужудга келди. Бу ҳаракатларга айниқса ёшлар кенг жалб этилмоқда. Бу демократия тараққиётидаги қонуний объектив жараёндир, жамиятимиз сиёсий майдонга чиқаётганининг мезонидир.

Шу билан бир қаторда, ана шу жараёнлар партия комитетларида ҳам, республика жамоатчилиги ўртасида ҳам кўпгина баҳсларга, турлича баҳоларга ва фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлди. Биз, партия ходимлари «норасмий» ҳаракатларга муносабатда анчагина хатоларга йўл қўйдик, бу ҳаракатларни батамом тан олмасликдан улар билан амалий мулоқот қилишгача бўлган йўлни босиб ўтдик. Хойнахой, хатоларимиз ва иккиланишларимизнинг сабабларидан бири шу бўлса кераккi, биз республика меҳнаткашларининг ташаббускор ҳаракатига илмий негизда назар солмадик ва бу ҳаракатнинг қай тахлитда ўсишини фараз этмадик. Ҳаёт ва ижтимоий практиканинг ўзи жамиятшунослар олдига шу муаммоларни қўймоқда. Бунинг устига гражданларнинг сиёсий жараёнда ва давлат қарорларини қабул қилишдаги иштироки демократик сайлов системаси шароитида омманинг сиёсий маданияти ва сиёсий хулқ-атворини ошириш масалалари биринчи ўринга чиқмоқда. Аммо республикадаги бирорта илмий муассаса ҳам биз учун фаннинг янги соҳаси бўлган сиёсатшунослик муаммоларини мунтазам ўрганиш билан, афсуски, шуғулланмайди.

Иқтисодиёт ва экология, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда мавжуд бўлган кўпгина зиддиятлар — мансабдор шахслар, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги жуда паст даражада эканлиги оқибатидир. Жиноятчиликнинг, айниқса ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлиги ташвиш туғдирмоқда. Агар шахсга сиғиниш йилларидаги ҳуқуқий бебошлик оммавий қонунсизликларга олиб келган бўлса, ҳозир эса ҳуқуқий либерализм оқибатида одамлар безорилардан, экстремист кайфиятидаги шахслардан озор чекмоқдалар,— шундай хулоса чиқаришга тўғри келади. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини ҳуқуқий жиҳатдан аниқ-равшан тартибга солиш бир қанча ҳуқуқшунослик муаммолари комплексини ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ҳал этиш керак. Фанлар академияси олдида турган муаммолар, вазифалар ҳақида гапирар эканмиз, буларни ҳал этишда партия ташкилотлари тутадиган ўрин ҳақида ҳам албатта гапиришимиз керак. Академияда 1767 КПСС аъзоси бор, бу катта кучдир.

Фандаги қайта қуришнинг муваффақияти коллективларда соғлом маънавий психологик вазиятни вужудга келтириш (бу вазиятни ҳозир ҳамма ерда ҳам нормал деб бўлмайди) коммунистларнинг жипслигига, уларнинг фаол ҳаётий позициясига, принципиаллигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Олимларни, аввало фан пешқадамларини республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида кенг кўламда иштирок этишга, ёшлар билан ишлашга жалб этиш энг муҳим партиявий вазифадир. Халқ билан бевосита ва ошкора мулоқот қилиш лозим бўлиб қолган ўткир можароли вазиятларда ватанпарвар олимнинг сўзи салмоқли бўлиши керак. Энг мураккаб вазиятларда биз ёрдам ва маслаҳат сўраб сизга мурожаат қиламиз, ўртоқлар. Сизнинг имкониятларингиздан тўла фойдаланмаётган эканмиз, бунда, афсуски бизнинг ҳам айбимиз бор. Айрим олимлар ўзларининг ижтимоий-сиёсий активликларини норасмий ташкилотлар орқали рўёбга чиқаришаётган экан, бунинг учун партия комитетларига тўғридан-тўғри ва ҳақли равишда таъна қилса арзийди.

Ўртоқлар! Мен анчагина масалалар ва муаммолар хусусида гапирдим. Бизнинг назаримизда, буларнинг ҳал этилиши Ўзбекистон фанининг янги марраларга чиқиб олишига, яқин ўн йилликларда республика учун белгиланаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда таянч бўлишига имкон беради. Ҳозир КПССнинг XXVIII Съездига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Биз Ўзбекистон Компартиясининг XXII Съездига ҳам қизғин тайёргарлик кўряпмиз, бу анжуман тараққиётимизнинг барча йўналишлари бўйича йўлимизни текшириб олишга имкон беради. Бугунги учрашув, айтилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар бизга республика коммунистларининг анжуманига ҳозирлик кўришда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида фаннинг самарадорлигини ошириш, демакки, қайта қуришни чуқурлаштириш, халқнинг фаровонлигини яхшилаш учун тадбирлар белгилаб олишда ёрдам беради, деб умид қиламан.

# МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

**ИЛГАРИ хабар берилгандек, 28 ноябрда Тошкент вилоят партия комитетининг У пленуми бўлди. Пленумда вилоят партия комитетининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов «КПСС Марказий Комитети сентябрь (1989 йил) Пленуми қарорларини бажариш, «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисида» КПСС нинг ҳаракат дастурида баён этилган ғояларни рўёбга чиқариш соҳасида вилоят партия ташкилотининг вазифалари» ҳақида маъруза қилди.**

**Маъруза юзасидан музокаралар бўлиб ўтди.**

— Биз узоқ йиллар давомида мамлакатимизда миллий масала тўла-тўкис ҳал бўлган деб ўзимизни-ўзимиз овутиб келдик, — деди Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари К. Р. Расулов. — Бунинг устига партия ва совет органлари «Бола йиғламаса она сут бермайди» қабилида иш тутганликлари ҳисобга олинса миллий масалада кўпгина муаммолар тўпланиб қолганлигини ҳис этиш қийин эмас. Шу жиҳатдан олганда КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми аҳамияти ниҳоятда каттадир.

КПССнинг миллий масала бўйича платформасидаги умумий концепциялар жойларда турли хил муаммолар борлигини кўрсатиб турибди. Партия ва совет органлари уларни ҳал этишда ниҳоятда тадбиркорлик билан иш кўришлари зарур.

Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг икки хил кўринишини муҳокама қилиш давомида биз ниҳоятда мураккаб йўлни босиб ўтдик. Давлат тили тўғрисидаги қонун эълон қилинганига бир ойдан ортиқ вақт ўтди. Одамлар шу давр ичида ижтимоий ҳаётда нималар ўзгарди деб бир-бирларига савол бермоқдалар. Биз тил тўғрисидаги қонунни амалга ошириш бўйича республика комиссияси иш олиб бораётганлигини билиб ўзимизни ўзимиз маълум даражада юпатмоқдамиз. «Юқоридагилар» бу масалани қандай ҳал этишаркин деб кутмоқдамиз. Энди бундай усулдан воз кечиш керак. Мен вилоят даражасида тил тўғрисидаги қонунни амалга ошириш билан шуғулланувчи шундай комиссия тузишни таклиф қиламан. Бу комиссия республика комиссияси билан баб-баравар иш юритса, айни муддао бўлар эди.

Жамоатчилик республика комиссияси тузилганидан хабардор бўлса ҳам, лекин унинг фаолиятидан бехабардир. Яна тил тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳолатлар такрорланмоқда. Ошкораликка ўша пайтларда эътибор берилмаган эди. Яна шу камчилик такрорланмасин деймиз.

Миллатлараро муносабатларнинг бугунги кундаги муаммоларини ҳал этишда биз келажакни ҳам ҳисобга олишимиз керак. Ёшлар пойтахт аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил этади. Ёшлар ўртасида мураккаб жараёнлар кечмоқда. Улар билан иш олиб боришда мактаб ўқитувчилари, олий ўқув юртлари, профессор-ўқитувчилар коллективлари масъулиятини ошириш керак. Тошкентда 19 та олий ўқув юрти, 64 та техникум, ўнлаб ҳунар-техника билим юртлари, 300 дан ортиқ мактаб бор. Бунга мавжуд 120 дан ортиқ илмий-тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюролари ҳам қўшилса, шаҳар қанчалик қудратли билим кучига эга эканлигини билиб олиш қийин эмас.

Студентлар, профессор-ўқитувчилар, илмий зиёлилар орасида кечаётган жараёнлар уларга бўлган эътиборни янада кучайтиришни, ҳар бир ҳаракатни чуқур таҳлил этиб, тўғри хулосалар чиқариб олишни тақозо этмоқда. Бу куч фақат Тошкентнинг ахлоқий-руҳий ҳолатига эмас, балки бутун республикага ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Шу боисдан фан ва олий ўқув юртлари бўлимининг қисқартирилишини шошиб қилинган иш деб баҳолаш керак.

Шаҳар учун маданий-миллий марказлар ҳам ғоят муҳим муаммолардандир. Бугунги кунда бундай марказларнинг 7 таси ишлаб турибди. Уларнинг камлиги учун бизни тўғри танқид қилишмоқда. Бугунги кунда шаҳар юристлари марказларни рўйхатга олиш тартиби ҳақидаги мувақкат низом устида иш олиб бормоқдалар.

Тошкент республика пойтахти бўлгани учун ҳам кўпгина маданий ахборот марказлари ўз ишларини республика доирасида планлаштирмоқдалар, айримлари эса музофот, бутуниттифоқ доирасида ҳаракат қилишга интилмоқдалар. Биз уларнинг маданий-миллий ҳуқуқлари билан бирга ҳаракат доираларини ҳам белгилаб беришимиз зарур. Буни қандай қилиб бажариш мумкин? Ҳозир аниқ йўлларни изляпмиз. Ўз низомларимизни ишлаб чиқиб маданий-миллий марказларга маълум юридик мақомлар берамиз. Бу масалалар давлат ҳокимиятининг юқори бўғинларида тезроқ ҳал этилишини кутмоқдамиз.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XVIII пленуми миллий муносабатларни барқарор этиш йўлида соғлом кучларни бирлаштириш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифаларини белгилаб берди,— деди Тошкент тўқимачилик комбинати тўқувчиси В. В. Эргашева. — Биз коммунистлар бугунги кунда халқ билан яна ҳам яқинроқ бўлишимиз, биргалашиб ҳаётдаги қийинчиликларни бартараф этишимиз, қайта қуриш муаммоларини ҳал қилишимиз лозим.

Комбинатимиз партия ташкилоти, барча меҳнаткашлари КПССнинг платформаси ва республикада тартиб ўрнатиш бўйича қабул қилинган тадбирларни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Коммунистлар эътибори, кишилар тарбияси билан шуғулланувчи барча ходимлар эътибори ўзаро ҳурмат ва муносабатни мустаҳкамлашга, маданият, тил, ижтимоий-маиший ва иқтисодий соҳасидаги мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга қаратилмоқда.

Бугунги кунда тўқимачилар иш шароитини яхшилаш масаласига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор беріляпти, корхона таъмирланиб, техника жиҳатдан қайта қуроллантирилмоқда. Барча фабрикаларда замонавий ишлаб чиқариш маиший комплекслари яратилган. Ҳозир совутгич станциясини ишга тушириш арафасида турибмиз. Бу объект ишлаб чиқариш корпусларида нормал ҳарорат ва намликни сақлашга ёрдам беради.

Корхонамиз ёрдамчи хўжалиги ҳам ривожланиб бормоқда. Боғдорчилик ширкатлари ташкил этилмоқда. Ўтган йили «Текстильщик» ёрдамчи хўжалиги биринчи марта 305 минг сўм фойда олди. Буни биз ҳам дарҳол сездик. 1987 йилда ёрдамчи хўжалик комбинатнинг ҳар бир ишловчиси ҳисобига 140,7 килограмм сабзавот ва картошка, 1,5 килограмм мева ва 5,9 килограмм гўшт етказиб берган бўлса, бу йил сабзавот ва картошка етказиб бериш 15 процентга, мева 33 процентга, гўшт эса 6,7 процентга кўпайди.

Ёрдамчи хўжаликда ижара пудрати жорий этилганлиги учун ҳам шундай ўсишларга эришилди. Ижара туфайли 1995 йилга бориб тўқимачиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари тўла қондирилади. Ерга эга бўлган совхоз ишчилари тадбиркорлик билан иш тутиб юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Лекин ижара пудратини кенгайтиришда Калинин район раҳбарлари совхоз коллективига амалий ёрдам кўрсатмаяпти. Биз совхоз партия ташкилоти комбинат партия ташкилоти составига киришини истаймиз. Ҳозирча у Калинин район партия ташкилоти составидадир. Истагимиз амалга ошса, муаммолар тезроқ ҳал этиларди.

— Мен шаҳримиздаги баъзи муаммолар устида тўхталмоқчи эдим, — деди Олмалиқдаги 5-ўрта мактаб директори З. Фозилова. — Шаҳримиз асосан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Қарийб миллиард сўмлик маҳсулот берилади. Лекин тушган фойда марказга кетади. Ишчиларга эса қарийб ҳеч нарса қолмайди. Ваҳоланки, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда кўпгина камчиликлар бор. Назаримда Олмалиқни музофот хўжалик ҳисобига ўтказиш керак. Шунда ишлаб топилган фойданинг асосий қисми шаҳарда қолади ва эҳтиёжлар тўлароқ қондирилади. Пировардида турли хил жанжалларга ҳам чек қўйилади.

Шаҳримизда 70 дан ортиқ миллат вакиллари яшаб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг барчаси шаҳар экономикасини юксалтиришни ўйламоқдалар. Одамларни шу мақсадга йўналтириш учун байналмилал марказ ҳам тузилган. Уни ташкил қилиш анча қийин кечди. Бир қатор қаршиликларга қарамай, таъсис конференциясини ўтказиб, 8 та секция туздик. Марказ ҳозир жумҳуриятнинг бошқа жойларидаги шундай марказлар билан алоқа қилиб турибди. Фарғона воқеалари авжига минган кезларда биз месхети турклари ўртасида катта тушунтириш ишлари олиб бордик. Пировардида бошқа музофотларга кўчиб кетган турклар яна шаҳарга қайтиб кела бошладилар. Ҳозир шаҳарда курдлар ҳам кўпайиб қолди. Курдларнинг 20 оиласи қабул қилиниб, иш билан таъминланди. Уларнинг фарзандлари мактабларда билим олмоқда.

Байналмилал марказ кўпгина миллий байрамларнинг ташкилотчиси бўляпти. Айниқса қрим татарларнинг «Дарвиз» байрами кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Оммавий ахборот воситаларида байналмилал марказлар ўтказаётган тадбирлар, уларнинг иш тажрибалари негадир суст ёритилмоқда. Оперативлик ва мунтазамлик матбуотнинг шиори бўлсин, деймиз.

Область партия ташкилоти ёшлар билан ишлашда ҳам янги усулларни излаб топиши керак. Комсомолнинг обрўсини ошириш шу кундаги муҳим вазифадир. Биз пленумларда бирор марта ҳам комсомоллар билан ишлаш қандай бораётганлигини муҳокама қилмадик. Бу соҳадаги таклиф ва режалардан ҳам бехабармиз.

Музокарада сўзга чиққан Оржоникидзе ноҳиясидаги 23-мактаб ўқитувчиси Л. М. Панарина Совет Иттифоқида истиқомат қилаётган кам сонли миллат вакиллари тақдири ташвиш туғдираётганлигини билдирди.

— Мен немисман, — деди у. — Шунга қарамай, рус тилига, ўзбек тилига ҳам бир хил муносабатдаман. Дарс давомида болаларга ҳар бир тилга ҳурмат билан қарашни уқтираман.

Нотиқ рус тилида сўзлашувчи аҳолига ўзбек тили ва ўзбек ёзувини ўргатиш бўйича аниқ программа йўқлигидан нолиб гапирди. Ҳозирча дарсликлар ҳам, мутахассислар ҳам, сўзлашгичлар ҳам йўқ ҳисоби. Шунинг учун ўзбек тилини ўрганиш бўйича ягона программа ишлаб чиқиш энг муҳим вазифалардан биридир. Вилоят партия комитетининг сайловолди программасида шу йўналишдаги ишлар аниқ ифодалаб берилиши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кейинги пленумида миллий муносабатлар иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муаммолар билан боғлиқлиги айтиб ўтилди. Бундай муаммолар халқ таълими системасида ҳам бор. Ноҳиямиздаги мактаблар компьютер техникаси билан амалда таъминланганлигидан хурсанд бўлсак ҳам лекин кўпгина мактаблар биноси талабга жавоб бермаётганлигидан ташвишланмоқдамиз. Ҳозирги кунда ноҳия фарзандлари учун кам деганда 7 минг ўринли мактаблар керак. Болалар боғчалари ҳам тақчил. Социал, маданий ва маиший объектлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Газ, иссиқ, совуқ сув, иссиқлик билан таъминлаш бўйича шаҳар ва қишлоқлар солиштириладиган бўлса, осмон билан ерча фарқни кўриш мумкин. Қишлоқдан ишчи кучининг шаҳар томон оқиб келиши ҳам шундандир. Биргина бизнинг ноҳияда истиқомат қилувчи 24 мингдан ортиқ киши Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларига бориб ишлашяпти. Улар меҳнат қилаётган корхоналар қишлоқда яшаётган ўз ишчилари устида ғамхўрлик қилиб қишлоқларнинг ижтимоий эҳтиёжини қондиришга маълум миқдорда маблағлар ажратсалар айни муддао бўларди.

Сўз шоир Абдулла Ориповга берилади.

— Бундан бир неча йил бурун менинг кекса қариндошларимдан бири қазо қилди, — дея гап бошлади у. — Орадан уч-тўрт кун ўтгач бу хонадонга бир рус кишиси Иркутскдан ўкраб йиғлаб келди. Кейин маълум бўлишича, марҳум бу одам билан касалхонада бирга даволанган, кейинчалик дўст тутинган экан. Мен чуқур ҳаяжонга тушдим. Тили бошқа, вилоятлари бир-биридан ниҳоятда йироқ бўлган икки миллат кишиси ўртасида меҳр-оқибат қанчалик чуқур илдиз отганига қойил қолдим.

Қадим замонларга ҳам бир назар ташлайлик. Алишер Навоий Хуросонда бош вазир бўлиб турганида ҳар куни тушликни Абдураҳмон Жомийсиз тановул этмас экан. У ҳамиша Жомийни йўқлаб турар экан. Ҳолбуки Жомий бир бурда нонга муҳтож эмасди. Лекин афсуслар бўлсинки, кейинги йилларда икки инсон эмас, икки қўшни эмас, айрим халқлар бир-бирлари билан чиқиша олмаяптилар. Нега шундай аҳвол келиб чиқди? Бу неча ўн йиллар давомидаги турли лўттибозлик, дабдабабозликлар оқибатидир.

Ёзувчилар халқ дилидаги гапларни ифодалашлари керак. Халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ўз асарларимиз билан ҳисса қўшмоғимиз зарур. Яқинда ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Қонунни амалга ошириш бўйича республика комиссияси тузилди. Лекин қонунни бажариш юзасидан дурустроқ иш қилингани йўқ. Айрим корхоналарда ҳалигача ўзбек тилида ёзилган аризалар қабул қилинмаяпти. Бундан норози бўлган кишилар митингларга чиқиб, ўз дардларини ифода этишга мажбур бўлмоқдалар.

Яна бир мисол. Аэропорт, вокзал ва бошқа жойлардаги кассаларда туб миллат тилини билмайдиган кишилар ишламоқда. Кексалар ва рус тилини билмайдиган кишилар улар билан мулоқот қила олишмаяпти. Шундай аҳволни почта, телеграф ва бошқа жойларда ҳам кўриш мумкин. Бундай ташкилотларда икки тилни биладиган кишиларнинг ишлагани маъқул. Айрим муассаса ва министрликларда ўзбекча ёзадиган машинкалар ҳам йўқ.

Мен хизмат юзасидан қўшни жумҳуриятларда тез-тез бўлиб тураман. У ерда истиқомат қилаётган ўзбеклар билан суҳбатлашаман. Биродарларимиз ўзбек тилида қўлланма ва бадиий адабиётлар йўқлигидан нолийдилар. Бу муаммони мен жумҳурият раҳбарлари олдига қўйишга ҳаракат қилдим. Улар эса қардош тиллардаги адабиётлар билан савдо қилувчи магазинлар очишни таклиф қилдилар. Бу тўғри талаб деб ҳисоблайман.

— Бизнинг шаҳримизда 40 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади, таъкидлади ўз сўзида Бекобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. М. Рўзиев.— Умуман аҳвол тинч. Лекин бу миллий муносабатлар соҳасидаги барча вазифалар ва муаммолар ҳал қилинган, деб ҳисоблаш ҳуқуқини бермайди.

Халқимиз дўстлигининг сарчашмаси тиниқдир. Ишчи коллективида байналмилаллик қадоқ қўллар ва бир-бирига мустаҳкам елкадошлик бўйича билинади. Ўзбекистон металлургия заводининг қурилиши бунинг ёрқин мисолидир. Корхона қурилиши Улуғ Ватан уруши йилларида халқ қурилиши усулида олиб борилди. Ҳозирга келиб завод мамлакатнинг йирик металлургия корхоналари қаторидан ўрин олган экан, бу кўпмиллатли коллективни шакллантириб уни барпо этишнинг бошида турганларнинг хизматидир. Улар Челябинск, Магнитогорск, Черепавец, Лисва вакилларидир. Уларнинг кўпчилиги бизнинг меҳмондўст еримизда абадий қолиб кетишди ва ўзларини фидокорона ишлари билан шон-шуҳратга буркадилар.

Шу кишиларнинг бевосита иштироки ва ёрдами билан миллий кадрлар оёққа турди. Қарағанда ва Бекобод металлургия заводлари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг боришида ҳам ишчилар қардошлиги, анъаналари, ҳамкорлиги мустаҳкамланди.

У деярли 40 йил илгари бошланди ва муваффақиятли ривожланмоқда. Бироқ, сўнгги вақтларда сўна бошлади. Биз қозоқ ҳамкасбларимиз билан уни қайта тиклашимиз керак. Бизнинг кучимиз фақат биргаликдадир. Ўзаро ёрдам бермасдан, ўзаро қўллаб-қувватламасдан дўстликда ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Шунинг учун ҳам миллий шиорлар остида бўлаётган турли воқеалар ва тўқнашувлар тўғрисидаги хабарлар ҳар бир киши қалбида ташвиш туғдирмоқда. Чунки бундай воқеалар бизнинг умумий уйимизда низолар ва беҳаловатликни вужудга келтиради.

Шаҳар партия ташкилоти вақтнинг мураккаблигини тушуниб, ҳар бир миллатнинг бир-бирига ҳурмат билан қараш руҳидаги тарбия ишларини бошлаб юборишга қатъий қарор қилди. Бошқа халқнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналарини чуқур билган тақдирдагина ҳурмат қилиш ҳисси пайдо бўлиши мумкин. Оммавий байрамлар, фестивалларни бу мақсадга эришишнинг шаклларидан бири, деб қарамоқдамиз. «Қўлни қўлга беринг дўстлар» шиори остида шундай фестиваль ўтказдик. Унда 40 мингдан ортиқ киши қатнашди. Фестиваль регионда яшаётган барча миллатлар санъати, маданияти ва турмуши намойишига айланди. Уч жумҳурият — Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон жамоатчилиги вакилларининг региондаги барча аҳолига мурожаати маъқуллаб, қабул қилинди.

Партиянинг миллий масала бўйича ишлаб чиққан дастурининг асосий йўналишларини амалга оширишни миллий масалани ҳал қилишнинг муҳим омили деб биламиз. Шаҳар партия комитети дастурни амалга оширишнинг комплекс программасини ишлаб чиқди ва кенг муҳокамадан сўнг уни шаҳар партия комитети пленумига кўриб чиқиш учун киритди. Бу программа кишилар турмуши ва фаолиятининг барча томонларини қамраб олган. Партия ва идеология фаоллари бу программани амалга ошириш учун қатъий бел боғлаганлар. Шу мақсадда партия фаоллари контингентидан, депутатлардан тарғиботчи группалар ташкил этдик. Улар корхоналарда ишчилар билан, яшаш жойларида пенсионерлар ва уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчилар билан, ёшлар аудиторияларида очиқ суҳбат олиб бормоқдалар. Биз бундай ишларни ҳар томонлама кенгайтириш ва таъсир кучини ошириш йўлидан бораверамиз.

— Совет кишиларида ватанпарварлик ва байналмилалчилик каби ахлоқий-маънавий фазилатларни шакллантириш,— деди «Ташкентская правда» газетасининг муҳаррири Н. Я. Ковалев,— партия ва унинг ташкилотлари идеология ишидаги бош йўналишлардан бири бўлди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Биз учун кишиларнинг қардошлиги, халқларнинг қардошлиги қуруқ гап эмас. Бизнинг жумҳуриятимиз бунинг ёрқин мисолидир. Унинг туғилиши, иқтисодий оёққа туриши, маданий ривожланиши байналмилалчиликнинг кучидан дарак бермайдими? Ўзбек халқининг кундалик иши унинг юксак ватанпарварлигини акс эттирмайдими? Тарихда халқлар дўстлиги шарафига олтин ёдгорлик барпо этиш тўғрисидаги масала туғилгудек бўлса, бу ёдгорликни ўзбек элида ўрнатиш керак, деб фармойиш берган бўлур эдим.

Сўнгги вақтларда турли томонлардан республика ҳеч нарса билан ғурурлана олмайди, деган овозалар келмоқда. Шуниси ташвишлики, бундай овозалар ҳатто ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш билан шуғулланувчи зиёлиларнинг бир қисмидан ҳам чиқмоқда. Шундай экан, ўз-ўзидан бу кимга фойдали, ким учун манфаатлидир, деган савол туғилади.

Миллий сиёсатдаги нуқсонлар оқибатида юзага келган вазият ниҳоятда сергаклантиради ва ташвишлантиради. Ўн йиллар давомида бу соҳада ҳал қилиниши ниҳоятда оғир бўлган кўплаб муаммолар тўпланиб қолди. Эндиликда партия ташкилотлари, идеология фаоллари зиммасида миллий муносабатларда йўл қўйилган оғишларни бартараф этиш каби масъул вазифа турибди. Миллий муносабатларни уйғунлаштириш учун кишиларнинг фаровонлигини ошириш, шунингдек, социал инфраструктурани ривожлантириш ва идеологик аҳволни соғломлаштириш, жиноятчиликка қарши кураш, тил муаммоларини ҳал қилиш ва ғоявий-ахлоқий соҳани соғломлаштириш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш талаб этилади. Бу масалаларнинг ҳар бири оммавий ахборот воситаларининг диққат-марказида бўлиши керак.

Мавжуд камчиликларни бартараф этишда илмий ва ижодий зиёлиларнинг роли бебаҳодир. Бу ишда махсус газета нашрлари ҳам ижобий роль ўйнашлари мумкин эди. «Ташкентская правда» газета коллективи газетага адабий-бадиий илова чиқаришни йўлга қўйишда ёрдам беришни таклиф этади. Бунда биз газетхонларни ўзбек ёзувчилари ва шоирлари асарлари, жумҳурият миллий маданиятининг ютуқлари, унинг тарихи, халқларнинг анъаналари билан кенг таништириш имкониятига эга бўлардик. Бундай нашрни ташкил этиш учун биз ҳеч қандай қўшимча маблағ сўрамаймиз.

Биз маданий ва томоша кўрсатадиган муассасаларнинг тақдирида маблағларни тақсимлашнинг қолдиқ принципи, деб аталган принцип қанчалик ҳалокатли роль ўйнаганини яхши биламиз. Агар маҳаллий ҳокимиятда маблағ бўлмаса маданият саройлари ёки уйлари, клуб муассасалари қуриш учун вилоят партия ташкилотининг маблағларидан бир қисмини ажратиш ҳақидаги масалани қўйиш керак. Бизнинг партиямиз маблағларидан фойдаланишга бошқачароқ қараш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Миллий маданий марказларни барпо этиш, ривожлантириш ва ишини йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган масалалар ташвиш туғдирмоқда. Улар ўз фаолиятларида шундай муаммоларга дуч келмоқдаларки, бу муаммоларни ҳал қилиш маҳаллий органларнинг маданият бошқармалари ва бўлимларига боғлиқдир. Партия комитетлари ҳозирнинг ўзидаёқ бу муаммоларни пайқашлари ва марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш йўлини аниқ белгилашга интилишлари керак.

— Бугунги пленум кун тартибига қўйилган масала ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамият касб этади, — деди ўз сўзида Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, область партия комитетининг аъзоси В. Мусаева.— Миллатлараро муносабатларни ривожлантириш ва шу йўл билан байналмилал тарбияни кучайтириш партия ва давлатимиз олдида турган муҳим вазифадир. Биз ҳар бир миллат ва элатнинг хоҳиш ва истакларини ҳисобга олишимиз, социал адолат принциплари асосида иш тутиб, ҳамманинг тенг бўлишига эришишимиз керак. Турар-жойларни тақсимлаш, тиббий хизмат кўрсатиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида социал адолат бўлмас экан, миллатлараро негизда можаролар юзага келаверади.

Тошкент райони ҳам кўп миллатли райондир. Районда 30 дан ортиқ миллат вакиллари аҳил бўлиб меҳнат қилмоқдалар ва яшамоқдалар. Мамлакатимиз ва жумҳуриятимизнинг турли бурчакларида ҳар хил митинглар, намойишлар, тартибсиз ғалаёнлар бўлган бир пайтда ҳам Тошкент райони аҳолиси босиқлик билан иш тутди. Шу пайтгача бирорта ҳам жамоат тартибини бузиш ҳоли содир бўлмади.

Тошкент райони Қозоғистон ССРнинг қўшни Сариёғоч райони билан дўстона алоқалар ўрнатган. Бу йил Сариёғоч райони меҳнаткашлари район ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонладилар. Биз ҳам бу

(Давоми 4-бетда).

# МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

(Боши 3-бетда)

байрамда ўз қўшиқларимиз, рақсларимиз билан иштирок этдик, қозоқ дўстларимиз эса бизнинг баҳорги Наврўз байрамимизда қатнашдилар. Колхозимиз ҳам кўпмиллатли хўжаликдир. Ўзбеклар билан биргаликда қозоқлар, руслар, немислар, татарлар ва бошқа миллат вакиллари аҳиллик билан меҳнат қилишмоқда. Районимиз аҳолиси кўпаймоқда. Бу билан бирга социал танглик ҳам кучаймоқда. Бугунга келиб болаларнинг фақат 34 фоизи боғча ва яслига қатнайди. Бу муаммони фақат хўжаликларнинг кучи билан ҳал қилиб бўлмайди. Саноат корхоналари, транспорт ва бошқа ташкилотлар бу масалада бизга ёрдам беришса айни муддао бўларди.

Социал соҳанинг медицина, халқ маорифи каби тармоқларини ҳам давр талаби даражасида ташкил этиш лозим. Ёшларнинг саломатлиги, уларнинг пухта билим олиши тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилишни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Бизнинг социал соҳадаги камчиликларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюро йиғилишида муҳокама қилинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Бу қарорлар бизни анча оқилона ҳаракат қилишга даъват этади. Лекин социал нуқсонлар учун фақат район раҳбарларини айблаш тўғри эмаслигини очиқ айтиш керак. Бу муаммолар ҳар биримизни ва биринчи навбатда коммунистларни ташвишга солиши лозим.

— Районимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил сентябрь Пленумини ва унда партиянинг миллий масала бўйича қабул қилган ҳаракат дастурини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар,— деди ўз сўзида Пискент район партия комитетининг биринчи секретари Т. Холбоев.— Ҳозирги пайтда район идеологик активининг куч-эътибори аҳоли ўртасида ана шу дастурни кенг тушунтириш ва шу асосда барча халқларнинг урф-одатлари, анъаналарини ҳурмат қилиш, байналмилал алоқаларни кенгайтириш учун ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтиришга қаратилган.

Районимизда 27 миллат ва элат вакиллари яшайди ва меҳнат қилади. Кейинги пайтда бу миллатларнинг урф-одатларини тарғиб қилувчи тадбирлар ўтказаяпмиз. Масалан, районимизда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодиров хотираси учун ўзбекча миллий кураш мусобақаларини ўтказиш анъана бўлиб қолди. Наврўз байрами ҳам барча миллатлар вакиллари иштирокида ўтказилмоқда. Ўтган якшанба куни дўстлик ва ҳосил байрами нишонланди. Унда ўзбек, турк, тожик, корейс, татар, қозоқ халқлари вакиллари ўзларининг миллий кийимлари, анъаналари акс этган алоҳида-алоҳида хоналарда кўргазмалар уюштирилди.

Районимиз Тожикистоннинг Бўстон райони, Қозоғистон ССР Чимкент областининг Балхаш райони билан дўстлик алоқалари ўрнатган. Турли байрамларда, тантанали кунларда районимиз вакиллари қардошлар ҳузурига боришади, ўз навбатида уларнинг вакиллари ҳам бизнинг меҳмонимиз бўлишади.

Районимиз меҳнаткашларининг байналмилал алоқалари мустаҳкамланиб бораётганлигини акс эттирувчи яна мисоллар келтирмоқчиман. Пискентликлар Кемерово области Ижморск районидан юз гектар экин майдонини ижарага олдилар. Бу ерда картошка етиштиришди. Ҳозирги вақтда Москва яқинидаги цемент-шифер заводида райондаги «КПСС XXVI съезди» совхозининг бир гуруҳ ишчилари меҳнат қилмоқда. Районимиздаги «Ўзбекистон» совхози мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан Ленинград шаҳри билан шартнома тузди. Улар ўз навбатида бизга маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни юборишади.

Районимизда миллатлараро муносабатларни яхшилаш мақсадида ташкил этилган «Ҳамкорлик» байналмилал маданий марказ фаолияти яхшиланмоқда. Районимизда миллатлараро муносабатлар асосида жиддий қарама-қаршиликлар содир бўлмаган бўлса ҳам асоссиз миш-мишлар оқибатида айрим месхети турклари яшаш жойини тарк этди. Содир бўлган воқеанинг қандай оқибатларга олиб келиши район партия комитети ва район Совети ижроия комитетининг диққат-марказидаги масала бўлди. Тартиб-интизомни йўлга қўйиш учун шошилинч чоралар кўрилди. Партия, совет, хўжалик фаоллари, маъмурий органлар ходимлари аҳоли ўртасида кўплаб суҳбатлар, учрашувлар ўтказишди. Бу ва шунга ўхшаш бошқа чоралар туфайли аҳвол жиддийлашмади, маромига тушди. Райондан чиқиб кетган икки мингдан ортиқ месхети туркларнинг 1114 нафари истиқомат жойларига қайтиб келди. Уларнинг қайтиб келиши ҳамон давом этмоқда.

Миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ва у билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишни район партия ташкилоти, коммунистлар бундан буён ҳам ўз зиммаларидаги муҳим вазифалардан бири деб биладилар ва уларни муваффақиятли бажаришга астойдил ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг чевари Р. Тўйчиева минбарга чиқади:

— Бирлашмамизнинг коммунистлари, барча ишчилари ҳозирги кунда кўпмиллатли Ватанимизнинг тақдири учун фавқулодда масъулият ҳар бир фуқаро зиммасига тушади, деб ҳисобламоқдалар.

Бизда ҳар бир жумҳурият, ҳар бир регион минглаб хўжалик, жамоат ва бошқа алоқалар билан бир-бирига боғланган. Агар ана шу риштадар узилса, ҳеч кимга наф келтирмайди. Миллий яккаланиш ва биқиқлик фақатгина айрим миллий жумҳуриятларни ҳам, шунингдек, умуман Совет Иттифоқини ҳам кучсизлантиради.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, бизнинг бирлашмамиз Болтиқбўйи, Кавказ орти жумҳуриятлари, Россия вилоятлари, Фарғона вилоятидан хом ашё олади. Бу регионлардаги хунук воқеалар хом ашёни бир маромда етказиб беришга салбий таъсир қилади, демак маҳсулотларни бир маромда ишлаб чиқаришга, уларнинг сифатига ҳам салбий таъсир қилади. Ваҳоланки, биз жумҳуриятимизда шундоқ ҳам етишмаётган халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарамиз. Фақатгина ишчиларимиз ва мутахассисларимизнинг онгли фидокорона меҳнатлари план-топшириқларни муваффақиятли бажариш имконини беради.

Бошқача қилиб айтганда, байналмилал тарбия бугунги кунда корхонамиз учун жуда муҳим вазифадир. Чунки бизда 28 миллат вакиллари меҳнат қилади, улар орасида руслар, украинлар, қозоқлар, тожиклар, татарлар, корейслар ва бошқа миллат вакиллари бор. Цех партия ташкилотлари секретарларининг сайлаб қўйиладиган фаоллари, касаба уюшмаси, комсомол фаоллари байналмилалдир.

Ҳар бир киши, у қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, социалистик Ватанимизни ҳар қандай бурчагида ўзини ўз уйидагидек ҳис қилиши лозим. Бизнинг партия ташкилотимиз ҳам шунга интилмоқда. «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан истаганлар учун ўзбек тилини ўрганиш курслари очилди ва ишлаб турибди, уларда 50 киши шуғулланмоқда. Партия комитети «Чевар» газетасини 1990 йилдан икки тилда — ўзбек ва рус тилларида нашр этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Оғзаки сиёсий ташвиқотда, деворий матбуотда икки тилдан фойдаланиш кенгаймоқда.

Агар иқтисодий муаммолар муваффақиятли ҳал қилинганда, иқтисодий ислоҳот кечикмаганда миллатлараро муносабатлар масалалари анча осон ҳал қилиниши мумкин эди, албатта. Биз иқтисодиётга қандай улуш қўшмоқдамиз? Ўтган ўн ойда план-топшириқларини муваффақиятли бажардик. Меҳнаткашларни халқ истеъмоли товарлари билан таъминлашдаги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, 1990 йилда маҳсулот тайёрлашни 3 процент оширишга қарор қилдик. Бу салкам 20 мингта костюм демакдир. Ҳозирги вақтда Бўкадаги фабрикамизни кенгайтириш масаласи ҳал қилинмоқда.

Бу йил Паркент районидаги «Прогресс» совхози билан шартнома туздик. Меҳнат коллективи кенгашининг қарори билан совхозга 400 минг сўм ўтказилади, деҳқонлар эса бунинг ўрнига коллективимизга янги сабзавот ва мевалар, узум етказиб берадилар.

— Миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ижтимоий турмушнинг бирбири билан мустаҳкам боғланиб кетган иккита соҳаси, яъни меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва у ёки бу ҳудудда яшаётган барча миллатлар вакилларининг сиёсий-маънавий-маданий эҳтиёжларини қондиришга боғлиқдир, — деди сўзга чиққан Нариманов шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Г. И. Соболев,— Бу масалалар қанчалик тез ва изчил ҳал қилинса, меҳнат коллективларидаги, аҳоли истиқомат жойларидаги ахлоқий-психологик муҳит шунчалик тез яхшиланади. Бизда ўн йиллар давомида хўжаликларнинг юқори мартабали меҳмонлар ва мансабдор шахслар ташриф буюрадиган марказий участкаларигина хўжакўрсин учун ободонлаштириларди. Бунинг оқибатида хўжаликларда маданият саройлари, стадионлар, замонавий мактаблар ва болалар боғчалари асосан марказда қурилар, чекка жойларда эса истиқомат қилиш учун арзимас шароитлар ҳам бўлмас эди.

Шунинг учун ҳам районнинг партия, совет ва хўжалик органлари олдида ҳозирги вақтда мавжуд номутаносибликни бартараф этиш вазифаси турибди. Бу вазифа фақат бизнинг олдимизда тургани йўқ. Шунинг учун ҳам 1990 йил ижтимоий-иқтисодий планларни шакллантириш тугалланаётган ҳозирги кунда биз ҳаммамиз, шу жумладан вилоят ижроия комитети ҳам бу масалаларни эътибор билан кўриб чиқишимиз керак.

Кам таъминланган оилалар муаммоси ҳам шу билан мустаҳкам боғлангандир. Маълумки, жумҳурият аҳолисининг 45 фоизи камбағаллик даражасидан пастда яшайди. Бундай оилаларда ҳар бир ишловчи ҳисобига 6—7 нафар ишламовчи тўғри келади. Шунинг оқибатида бундай оилаларнинг аъзолари олий маълумот олиш, маданий эҳтиёжларини қондириш, дам олиш ва ҳоказолар учун камроқ имкониятга эгадирлар.

Кўп болали оилалардан ўрта мактабларни битириб чиққанларни корхоналар ва хўжаликлар ҳисобига стипендия тўлаш билан олий ўқув юртлари ва техникумларга юбориш практикасини кенгайтириш лозим, деб ўйлайман. Бундай оилалар фарзандларини куни узайтирилган группаларда бепул овқат, қаҳрамон оналарни ҳар йили бир марта текин йўлланмалар билан таъминлаш керак.

Наримановда қанчалик мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият таркиб топганлигини кўпчилик билади. Шаҳар тегишли инфраструктурасиз, ижтимоий - маданий - маиший объектларсиз ривожланди. Бугунга келиб у шаҳар эмас, уйлар йиғиндиси бўлиб қолди. 1985 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бу нуқсонларни бартараф этишга қаратилган қарор қабул қилди. Қарорни 1990 йилгача амалга ошириш муддати белгиланган эди. Бугунги кунга келиб бу қарор 70 фоиз бажарилмоқда.

Шаҳар партия комитети ўтган йили шаҳарга министрлар, комитетларнинг раислари, вилоят ижроия комитетининг, вилоят партия комитетининг ходимларини таклиф этди. Қарорлар қабул қилинди. Лекин афсуски, улар бажарилмади. Шаҳар партия конференцияси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига мурожаат қилди. Шу йилнинг сентябрида министрларни таклиф этиб, навбатдаги мажлис бўлиб ўтди. Уни ўртоқ И. Х. Жўрабеков олиб борди. Янги протокол пайдо бўлди. Бироқ у ҳам бажарилмаяпти.

Агар биз қурилмаган ҳар бир квадрат метр уй-жой учун маҳаллий раҳбарларни қаттиқ койир эканмиз, эндиликда вилоят партия комитети бюроси бутун бир шаҳарга тааллуқли программаларнинг барбод этилганлиги учун жумҳурият миқёсидаги раҳбарлардан талаб қиладиган вақт келди.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда ҳозирги вақтда шаҳар ва районда 4,5 минг киши иш билан таъминланмаган. Аввало улар хотин-қизлар, ёшлардир. Ваҳоланки, биргина жумҳурият Сув хўжалиги министрлигининг Наримановдаги корхоналарида бўш ётган минглаб квадрат метр ишлаб чиқариш майдонлари мавжуд. Биз бу майдонларда халқ истеъмоли товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида оғзаки ва ёзма таклиф билан бир неча бор мурожаат қилдик. Бироқ фақатгина битта ижобий жавоб олинди. У ҳам бўлса 2-РЭМГЭОнинг қурилаётган биноси кир ювиш машиналари ишлаб чиқаришга берилди. Бунинг учун ҳам бир йил кетди. Эндиликда эса бу майдонни қайтариб олиш ҳақида шовшувлар тарқалмоқда. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Шаҳар ва районда 40 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшамоқда. Уларнинг вакиллари шаҳар партия ташкилотида, унинг сайланадиган органлари составида бор. Тилни ўрганишда кўнгилли танлаб олиш имконияти юзага келди. Мактабларда таълим-тарбия ўзбек, қозоқ, рус, қирғиз тилларида олиб борилмоқда, истаганлар корейсчани факультатив ўрганишлари мумкин. «Суръат» —«Темп» газетаси икки тилда нашр этилмоқда. Радиоэшиттиришлари уч тилда — ўзбек, қозоқ ва рус тилларида олиб борилмоқда. Байналмилал «Биродарлик» маданий-оқартув маркази барпо этилди. Унда ўзбек, қозоқ, бошқирд, татар, корейс, уйғур, рус секциялари бор. Уларнинг бевосита иштироки билан миллий байрамлар ва удумлар кенг қайта тикланмоқда.

— Биз коммунистик тарбия тўғрисида ўтказган йиғилишларимизнинг қоғозларини йиғсак, машиналарга юк бўлади, — деди ўз сўзида Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз раиси Р. Р. Акбаров. — Лекин натижа Фарғона воқеаси, Грузия фожиаси, Қорабоғдаги танг ҳолатлар... Демак, биз олиб бораётган сиёсат халқдан узоқда, халқдан четда. Партия халқнинг ичига кириб боролмаяпти. Ўтказаётган сиёсатимиз, олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларимиз халққа ҳазм бўлмаяпти. Демак, идеология ишимиз оқсамоқда. Бунинг сабаби партия ходимлари халқ ичига кириб бормайдилар, хоналарда ўтирадилар, ҳамма ишни телефон орқали бажарадилар. Ишнинг бундай услубини нотўғри, деб ҳисоблайман.

Яқинда жумҳуриятимизда кишиларга ер ажратиб бериш тўғрисида ажойиб қарор қабул қилинди. Ер бизни боқмоқда, кейинги авлодларни ҳам боқади. Шундай экан, уни авайлаш, парвариш қилиш керак. Албатта, бу масалада эҳтиёткорлик ҳам зарур. Ҳамма кишилар ҳам 20—25 сотих ердан оқилона фойдалана оладиларми? Ҳар бир оилага 8 сотихдан ер ажратиш лозим, деб ҳисоблайман. У ҳам бир жойда ва коммуникацияларга яқин бўлиши керак.

Вилоят ижроия комитети, унинг бўлимлари ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг бажарилиш устидан назорат қилишлари лозим. Ер ажратиш тўғрисидаги қарор ерни шаҳарлардаги қариндош-уруғларга сотишни эмас, халқнинг фаровонлигини ошириш, шаҳарликларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш каби муҳим мақсадни назарда тутади. Ердан самарасиз фойдаланаётган кишилардан жарима олиш тўғри бўлур эди. Мен бу масалани кўриб чиқишни илтимос қиламан.

Бизнинг олимларимиз — селекционерлар ҳамон ёмон ишламоқдалар. Польша, Хитойдан қандай яхши картошка келаётганлигини кўриб турибсиз. Бизда эса яхши уруғлар йўқ.

**ҚУЙИДА эълон қилинаётган мақолада 1990 йилда Тошкент вилоятини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш плани лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари ўз аксини топган. Ушбу план лойиҳаси вилоят Совети ижроия комитети бўлимлари ва бошқармаларида, доимий комиссияларида давр талаби нуқтаи назаридан, эркин мунозара вазиятида кўриб чиқилмоқда. Шу билан бир вақтда унинг муҳокамасига меҳнаткашлар кенг қатламини ҳам жалб этиш тўғри бўлур эди деб ҳисоблаймиз. Ўзларингизнинг фикр-мулоҳазаларингиз ва таклифларингизни қуйидаги адресга юборишингизни илтимос қиламиз: Тошкент—47, Хоразм кўчаси, 51-уй, вилоят Совети ижроия комитетининг план комиссияси.**

**1990 йил плани лойиҳаси қайта ишланиб маромига етказилгач, халқ депутатлари вилоят Совети сессиясига тасдиқлаш учун киритилади.**

# 1990 ЙИЛДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ПЛАНИ ЛОЙИҲАСИ

1990 йил плани лойиҳасини тузиш пайтида вилоят Совети ижроия комитети олдида иқтисодиётни барқарорлаштириш, ижтимоий йўналишни кучайтириш, вилоят корхона ва ташкилотларини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш вазифаси турарди. Бундан ташқари ўн учинчи беш йилликда халқ хўжалигини жадал ривожлантириш учун, территорияни музофот хўжалик ҳисобига ҳамда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш учун моддий-техник асосни тайёрлаш мўлжалланган эди.

План лойиҳаси бевосита меҳнат коллективларида тайёрлана бошланиб, йирик, ҳаётий муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилгандир. Беш йиллик топшириқларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган 1990 йил план лойиҳаси халқ фаровонлигини ошириш манфаатини кўзлаб, у иқтисодиётни қайта қуриш бўйича амалий ишлар программасининг таркибий қисмидир.

1990 йилда аҳолининг пул даромадини 1989 йил планига нисбатан 9,1 процент ёки 222 миллион сўм кўпайтириш назарда тутилмоқда. Шу билан бир вақтда аҳолининг пул маблағларини муомалага янада тўлароқ жалб этиш, аҳолининг маҳсулот ва хизматга бўлган талабини қондиришга қаратилган тадбирлар белгиланган. Тахминий ҳисобларга кўра эмиссия 1989 йилгига нисбатан 25 процент камаяди.

Аҳолининг пул даромади ва сарф-харажатлари ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш мақсадида вилоят Совети ижроия комитети корхоналарни қайта ихтисослаштириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун бўш майдонлар ва қувватларни излаб топиш чораларини кўраётир. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, айрим буюм турларини вилоятдан ташқаридан келтиришни камайтириш тадбирлари назарда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга эришилади.

Янги Тошкент консерва комбинатида пастил-мармелад маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча кўпаяди. Олмалиқ нон заводида кондитер маҳсулотлари, кондитер фабрикасида печенье, гўшт комбинатида колбаса, «Дамачи» балиқ хўжалигида балиқ етиштириш кескин ошади.

Маданий-маиший ва рўзғорда ишлатиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиши 1989 йилдагига нисбатан 12,3 процентга тенг бўлади.

Олмалиқ рўзғор химияси заводида оқартирувчи воситалар, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳамда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида кенг истеъмол моллари, Чирчиқ пойабзал фабрикасида пойабзаллар, Май ғишт заводлари бошқармасида ғишт, Паркент тикувчилик фабрикасида кийим-кечак ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ишга туширилади.

Бироқ 1990 йилда Янгибозор трикотаж фабрикасида (65 миллион сўм), Ғазалкентдаги упаковка буюмлари фабрикасида (11,6 миллион сўм), Ангрендаги «Резинотехника» заводида (6 миллион сўм) ишга тушириш мўлжалланган қувватларнинг барбод этилаётганлиги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳалал беради.

«А» группаси корхоналари раҳбарларининг бу масалага эътиборни сусайтирганликлари туфайли товар ишлаб чиқаришга қўшилаётган ҳисса 9 фоиз бўлаётир, холос. Ҳолбуки, область саноат маҳсулотлари умумий ҳажмидаги миқдори 56 фоизга тенг. Масалан, бу кўрсаткич Нариманов шаҳрида товар маҳсулотлари умумий ҳажмига нисбатан 1,2 фоизга тенг.

Областнинг кўпгина йирик корхоналарида иш ҳақи фондининг ҳар бир сўми ҳисобига товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳамон жуда паст даражада қолаётир, иттифоққа буйсунувчи корхоналар имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти.

Чакана товар обороти 1989 йил планидагига нисбатан анча юқори яъни 1849 миллион сўм миқдорида планлаштирилмоқда. У аҳоли жон бошига қарийб 6,8 фоиз кўпаяди ва 864 сўмга етади.

Пулли хизмат ҳажми 17,2 фоиз ўсадиган қилиб режаланган, у 268 миллион сўм бўлиши керак. Аҳоли жон бошига бу кўрсаткич 15 сўм кўпайиб, 120 сўмга тўғри келади.

Агросаноат комплексининг иши ички истеъмол бозорини барқарор қилишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Пахта ва каноп экиладиган майдонларни 1989 йил планидагига нисбатан камайтириш ҳисобига экин майдонлари структурасини ўзгартириш мўлжалланмоқда. Пахта ва канопдан бўшаган 12,5 минг гектар ерга картошка, сабзавот, дон-озуқа экинлари экилади, янги боғ ва узумзорлар барпо этилади, илмий асосланган алмашлаб экиш жорий қилинади. Областнинг пахта экиладиган Чиноз, Янгийўл, Ўрта Чирчиқ ва Коммунистик районларидаги хўжаликларни қисман мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш назарда тутиляпти.

Ҳамма категориядаги хўжаликларда экинлар ҳосилдорлиги ошиши ҳисобга олинган ҳолда картошка етиштириш 1989 йилдагига нисбатан 29 фоиз, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 5 фоиз кўпаяди.

Озуқа экинлари етиштиришни кўпайтириш, мол ва паррандалар маҳсулдорлигини ошириш гўшт етиштиришни 112 минг тоннага, сутни 420 минг тоннага кўпайтириш имконини беради. Бу 1989 йилдагига нисбатан гўшт 5,7 фоиз, сут 4 фоиз кўпаяди демакдир. Демак, область аҳолиси гўшт ва сутни кўпроқ истеъмол қиладиган бўлади.

Умуман қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми бир йилда 2,8 фоиз ёки 1989 йил планига нисбатан 38 миллион сўмлик кўпаяди.

1990 йилда граждандарнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари жадал ривожланади, мол ва паррандаларнинг кўпайиши, озуқа билан таъминлаш масаласини ҳал этиш ҳисобига 42 минг тонна гўшт, 245 тонна сут олиш мўлжалланмоқда, яъни гўшт бу йилги планга нисбатан 4 минг тонна, сут 11 минг тонна кўп бўлади.

Қишлоқ хўжалик тармоқларида ижара муносабатлари янада ривожланади. Деҳқончиликдаги бригада ва звенoларнинг 95 фоизини, чорвачиликда эса 80 фоизини шу усулга ўтказиш белгиланмоқда.

Планнинг ижтимоий йўналишга эга бўлиши тегишли инвестицион сиёсат орқали таъминланади. Ноишлаб чиқариш соҳасига пул билан таъминлашнинг ҳамма манбалари ҳисобидан ажратиладиган капитал маблағ ҳажми 1990 йилда 298,3 миллион сўмга тенг бўлади ёки 1989 йилги даражадан 5 фоиз кўпаяди. Ноишлаб чиқариш қурилишининг нисбати умумий ҳажмда 35,9 фоизга тенг бўлади, бу беш йиллик планда кўзда тутилганидан 1,8 баравар юқоридир. Уй-жой қурилиши унинг муҳим таркибий қисми бўлиб қолади. 1990 йилда 682,9 минг квадрат метр уй-жой қуриш мўлжалланган. Беш йилликда қурилган жами уй-жой 3494,6 минг квадрат метрга етади, бу соҳада ўн иккинчи беш йиллик план 367,2 минг квадрат метр ортиғи билан бажарилади. Бу эса 1991 йилнинг 1 январига келиб ҳар бир кишини 12 квадрат метр, шу жумладан, шаҳарда 12,5, қишлоқда эса 11,5 квадрат метр уй саҳни билан таъминлаш юзасидан уй-жой программасида белгиланган даражага эришиш имконини беради.

Корхона ва ташкилотларнинг шерикчилик маблағлари ҳисобига 109,49 минг квадрат метр уй-жой қурилади. Лекин бу 1989 йилдагига нисбатан 51,21 минг квадрат метр камдир. 1990 йилда Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод, Ангрен шаҳарлари ижроия комитетларининг шерикчилик маблағлари ҳисобига уй-жойни аввалгига нисбатан кам қуришга келишилган.

1990 йилда жами 6020 ўринли боғча-ясли қуриш белгиланган, бу беш йиллик планда белгиланганидан 820 ўрин кўпдир.

Боғча-яслиларга бўлган эҳтиёж, уларни хонадонларда очиш, доимий ва мавсумий тармоқларини кенгайтириш, маъмурий биноларни бўшатиб бериш ҳисобига таъминланади. Натижада бу масаладаги таъминот 1989 йилда кутилаётган 43,5 фоиз ўрнига 44 фоизгача кўпаяди.

22048 ўринли умумтаълим мактаблари фойдаланишга топширилади. Бу беш йиллик планда кўзда тутилганидан 5908 ўрин кўпдир.

Ижтимоий-маънавий соҳаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун 1990 йилда 860 ўринли шифохона, бир сменада 1130 бемор қабул қилинадиган поликлиника, 1320 ўринли ҳунар-техника билим юрти, 3300 ўринли маданият уйи фойдаланишга топширилади.

Ижтимоий соҳаларга кўпроқ маблағ йўналтиришдан мақсад аввало моддий ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришдир.

Саноат маҳсулотларини 1989 йил планига нисбатан 3,5 фоиз кўпайтириш мўлжалланган. Бунда истеъмол буюмлари билан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ўртасидаги нисбатни «Б» группаси фойдасига ўзгартириш назарда тутилмоқда.

Хўжалик ҳисоби усулида ишлаётган корхона ва ташкилотларнинг даромадлари 6,1 фоиз кўпаяди.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг мўлжалдаги ўсишига жадал ишлаб чиқариш омили ҳисобига эришиш кўзда тутилаётир. Маҳсулот кўпайишининг 80 фоиздан зиёдроғи меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига бўлади.

Энергетика, ёнилғи, металлургия, кимё, машинасозлик каби соҳалар жадал суръатлар билан ривож топади. Электр қуввати ҳосил қилиш 13,7 фоиз, қора металл прокати ишлаб чиқариш 28,3 фоиз, синтетик кир ювиш воситалари 8,3 фоиз, кўмир қазиб олиш 2,5 фоиз кўпаяди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ресурсларни тежаш йўли илмий-техник тараққиётнинг жадаллашуви билан бевосита боғлиқдир. 32 та механизациялаштирилган автомат поток линиясини, комплекс механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган 150 та асбоб-ускуна, қурилма, агрегатни, 138 та янги технологик жараённи жорий этиш, 70 та янги турдаги машинани ўзлаштириш назарда тутилган.

Илмий-техник тадбирларни амалга ошириш ишлаб турган 1578 кишини шартли озод қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархининг арзонлашувидан 14,9 миллион сўмни тежаш имконини беради.

План лойиҳасида экологик вазиятни соғломлаштириш ва табиат ресурсларидан фойдаланишни янада яхшилашга қаратилган тадбирларни кенгайтиришга катта эътибор берилган. Ишлаб чиқариш соҳаларига сарфланадиган капитал маблағ ҳажми камайтирилган ҳолда, унинг табиатни муҳофаза қилишга лимити 60,2 фоиз кўпайтирилади.

Шу билан бирга жойларда табиатни муҳофаза қилиш объектлари қурилишига етарли эътибор берилмаётир.

Аҳоли сони ва меҳнат ресурсларининг жадал ўсиб бораётганлиги улардан самарали фойдаланиш борасида мураккаб вазифаларни кўндаланг қилиб қўяётир.

Вилоят аҳолиси 2,5 фоиз кўпайиб 2 миллион 242 минг кишига етади. Планда 40 минг кишини яъни меҳнат ресурсларига қўшилган 15 минг кишининг ҳаммасини ва шахсий ёрдамчи ҳамда уй хўжалиги билан банд бўлган 25 минг кишини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мўлжалланмоқда.

Иқтисодиётдаги ишларнинг аҳволи вилоят халқ хўжалик тармоқларидаги чуқур жараёнларни таҳлил қилиш савиясини ошириш, ишлаб чиқаришни ўстиришнинг резервлари ва манбаларини топиш, эътиборни истиқболли ривожланиш йўлининг асосли бўлишига қаратиш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва хўжалик органлари олдига масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

**Муҳокама учун ҳавола этилган 1990 йил плани лойиҳаси ўн иккинчи беш йилликнинг якунловчи йилида вилоятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг фақат асосий жиҳатларинигина ўз ичига олади, холос. Планнинг пировард мукаммал нусхасини тайёрлаш ва уни халқ депутатлари вилоят Совети сессиясида тасдиқлашга тақдим этиш учун Сизларнинг фикр ва мулоҳазаларингизни, таклиф ва истакларингизни кутамиз.**

**ВИЛОЯТ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛАН КОМИССИЯСИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ИҚТИСОД БОШ БОШҚАРМАСИ.**

*● Лекторлар семинари*

## Тўла хўжалик ҳисоби шароитида

«Тўла хўжалик ҳисоби шароитида лекция тарғиботи» мавзуида ўтказилган семинарда шаҳар партия комитетлари лекторлари, ноҳия партия комитетлари инструкторлари, «Билим» жамияти ходимлари ва етакчи лекторлари иштирок этдилар. Семинарни Тошкент вилоят партия комитети мафкура бўлими ва «Билим» жамияти вилоят ташкилоти уюштирдилар.

Семинар давомида демократия ва ошкоралик шароитида лекция тарғиботини ташкил этиш, хўжалик юритишнинг янги усулларини қўллаш, бу ишга партия раҳбарлигининг асосий йўналишлари бўйича ўзаро фикр алмашилди. Семинар қатнашчилари таъкидлаганидек, «Билим» жамияти вилоят ташкилоти тўла хўжалик ҳисобига ўтказилгач лекциялар сифати сезиларли даражада яхшиланди. Меҳнаткашларнинг илтимослари тўлароқ қондириладиган бўлди

Айни пайтда бир қатор муаммолар ҳам келиб чиқмоқда. Маблағи бўлмаган ўқув юртлари, маҳалла комитетлари ва бошқалар бундай шароитда қандай йўл тутишлари мумкин? Партия комитетлари ва «Билим» жамияти ташкилотлари ўзаро қандай алоқада бўлишлари керак? Мунозара давомида шундай саволларга ҳам жавоб топишга ҳаракат қилинди. Партия комитетлари буйруқбозлик усулидан воз кечиб, «Билим» жамияти ташкилотлари билан шерикчилик муносабатларини ўрнатишлари керак деган фикр билдирилди.

Семинарда мамлакат ва жумҳурият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти муаммоларига, ҳаваскорлик тузилмалари фаолиятига, билим аукциони ўтказиш тажрибасига оид лекциялар тингланди. Мафкура ишининг энг муҳим йўналиши ҳисобланган лекция тарғиботини янада жонлантиришнинг аниқ йўл-йўриқлари белгилаб олинди.

Н. ЮСУПОВ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

Р. 04437 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. Б.—1734. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12